2018 йил 2 август, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 145 (13.742)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 август куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик юқори суръатларда ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўтган йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувдан кейин томонлар биргаликда кенг кўламли ишларни амалга ошириб, дастлабки аниқ натижаларга эришдилар.

Бу даврда банк томонидан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун умумий қиймати 190 миллион доллардан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва уй-жой қуриш, энергетика тармоғи ва коммунал хўжалик объектларини модернизация қилиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилмоқда. Шундан қиймати 600 миллион долларгача бўлган лойиҳаларни яқин ойларда маъқуллаш режалаштирилмоқда.

Жорий йил сентябрь ойида қабул қилиниши мўлжалланган ЕТТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ишлари якунига етмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йил ноябрь ойида банкнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ўз фаолиятини тиклади, мамлакатимиз ҳудудларида унинг филиалларини ташкил этиш кўзда тутилган.

ЕТТБ экспертлари мамлакатимизда хорижий молиявий институтлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга қаратилган янги тартибни ишлаб чиқишда фаол қатнашди.

Шунингдек, Ўзбекистонда энергетика секторини ислоҳ қилиш ва қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш борасида биргаликда иш олиб борилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, аввало, асосий тармоқлардаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг стратегиясини ишлаб чиқиш, корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётига хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилган янги дастур ва лойиҳалар билан бойитиш масалалари муҳокама қилинди.

Сума Чакрабарти Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида янги босқичда амалга оширилаётган, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи юксалишига хизмат қилаётган ислоҳот ва ўзгаришларни, иқтисодиётдаги либераллаштириш жараёнларини юқори баҳолади.

ЕТТБ раҳбари Ўзбекистон Президентининг ўзаро манфаатли ва самарали минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, уларни қатъий қўллаб-қувватлашини билдирди.

Давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларни қўллаб-қувватлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида банкнинг Ўзбекистон билан шериклигини янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ сиёсати ва божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш ислоҳотлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, инвесторлар билан ишлашда, айниқса, жойларда, инвесторларнинг ташаббуслари барча даражадаги ҳокимликлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланмаслиги, бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳали ҳам мавжудлиги қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 августдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

инсофли фаолият юритган инвестор ва тадбиркорлик субъектига давлат органи (мансабдор шахс) томонидан уларга нисбатан қабул қилинган маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониши сабабли келиб чиққан мулкий зарарнинг ўрни қопланади, агарда ушбу ҳужжатнинг қонуний кучига ишониб мол-мулкдан фойдаланган, битим тузган ёки тақдим этилган афзаллик ва устунликлардан бошқача тарзда фойдаланган ҳамда мазкур ҳужжат кейинчалик ҳақиқий эмас деб топилган ёки бекор қилинган бўлса;

давлат органи (мансабдор шахс)нинг маъмурий ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи, агар у инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъектининг қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд тартибида кўриб чиқилади, унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллар бундан мустасно.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 сентябрдан:

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат ер участкаси олиб қўйилиши режалаштирилаётган манфаатдор шахслар билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, шунингдек, фойда ва харажатлар баҳоланганидан кейин йўл қўйилади;

*(Давоми 2-бетда)*

Сума ЧАКРАБАРТИ:

## ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР ЮКСАК САМАРА БЕРИШИГА ИШОНАМИЗ

***Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Бу ҳақда ЕТТБ президенти Сума Чакрабарти ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:***

– Сўнгги бир ярим йилда ЕТТБ ва Ўзбекистон ҳамкорлигида янги саҳифа очилди.

Ўтган йил март ойида мамлакатингизга илк ташрифим чоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-молия секторини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ инфратузилмаси ва энергетика тармоғини модернизация қилиш, шунингдек, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва бошқа соҳалардаги истиқболли ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинган эди.

Бугун Президент Шавкат Мирзиёев билан бу борадаги кенг миқёсли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро манфаатли шерикликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама этдик. Мулоқот чоғида мамлакатингиз ҳудудида қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг аниқ йўналишлари юзасидан фикр алмашилди. Жумладан, банк-молия тизими, коммунал соҳани ривожлантириш, энергетика тармоғини модернизация қилиш, иқтисодиётга хусусий инвестициялар жалб этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш масалаларини кўриб чиқдик.

Мамлакатингизга инвестициялар жалб қилиш ҳамкорлигимизнинг муҳим соҳасидир. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилаётгани, хорижий инвестициялар жалб қилишнинг самарали механизмлари татбиқ этилаётгани халқаро банк-молия муассасаларини юртингиз билан фаол ҳамкорлик қилишга чорламоқда. Ўйлаймизки, Ўзбекистон иқтисодиёти ва ҳудудларини изчил ривожлантиришда қўшма лойиҳаларимиз ўзининг юксак самарасини беради.

**М.ЭЛМУРОДОВ**
**ёзиб олди**



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ТЕСТ СИНОВЛАРИ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

***Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 1 август куни олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишига кириш учун тест синовлари бошланди.***

Юрт тараққиёти юксак билим ва касбий малакага эга, замон руҳи билан ҳамнафас, соғлом ва теран тафаккурли, рақобатбардош кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўқитишнинг барча бўғинлари, каби олий таълимни ҳам тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичига кириш учун тест синовлари университет ва институтлар биносидан ташқарида, мутлақо холис ва бошқа биноларда бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори бу йўналишда авваллари мисли кўрилмаган туб ижобий ўзгаришларни амалиётга жорий этиш имконини бермоқда. Унга кўра, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасасига қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўтказиш, синов натижаларини тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилишда ижодий имтиҳонлар орқали амалга ошириш йўлга қўйилди.

*(Давоми 3-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, маданият ва санъат муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маданият ва санъат муассасалари биноларини қуриш ва таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳудудларини ободонлаштириш, аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.

Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳадаги муассасалар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник аҳволини мустаҳкамлаш, аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ҳамда давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шаклларини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасаларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер участкалари ажратиш;

мавжуд давлат маданият ва санъат муассасалари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарти билан маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасалари объектларини қуриш учун бепул асосда ер участкаларини тақдим этиш;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш;

бўш турган давлат мулки объектларини, шу жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат маданият ва санъат муассасаларининг биноларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда "ноль" харид қийматида сотиш;

давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган биноларини (ёки уларнинг бир қисмини) ижара ҳақининг "ноль" ставкасида мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга бериш;

хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган маданият ва санъат нодавлат муассасаларини моддий-техник, молиявий ва методик таъминлаш;

оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш.

*(Давоми 2-бетда)*

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Қаршида "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти Қашқадарё вилояти филиалининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди. Қисқа фурсатда қуриб битказилган бино ўзига хос замонавий ва кўркам меъморий ечимга эга. Лойиҳа қиймати 3 миллиард 850 миллион сўм бўлган иншоот "NASAF HAMKOR TARAQQIYOT" МЧЖ бунёдкорлари томонидан қурилди. 3 қаватли замонавий бино 36 хонадан иборат бўлиб, ходимлар учун барча қулайликлар яратилган.**

**● Тошкент вилояти Паркент туманида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб "Ватаним – обод қўрғоним" тарғибот тадбири доирасида "Фаол тадбиркор – ижодкор нигоҳида" республика ижодий танлови тақдимотига бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мулоқотда партия фаоллари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**● Фарғонада бўлиб ўтган халқаро жанг санъатлари фестивалида Жанубий Корея, АҚШ, Россия, Исроил, Гана, Филиппин каби 30 дан ортиқ давлатдан спортчилар, мураббийлар ва ҳакамлар иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Жаҳондаги энг нуфузли "Формула-1" автопойгаларининг Венгрияда ўтказилган Гран-при мусобақаларида "Мерседес" жамоаси вакили Буюк британиялик Льюис Хэмилтон ғолиб чиқди. Ёзги танаффусдан олдин у 345 очко жамғариб, ўз рақибларидан анчагина ўзиб кетган.**

**● Олимлар товушли тўлқинлар ёрдамида 160 километр чуқурликдаги Ер қаърида 4 миллиард тонна олмос борлигини аниқлади. Ер қобиғини ўрганиш бўйича олиб борилаётган халқаро лойиҳага Массачусетс технологиялар институти тадқиқотчилари раҳбарлик қилмоқда. Афсуски, ҳозирча олмосларни қазиб олишнинг имкони йўқ. Чунки бизга маълум энг замонавий технологиялар ҳам ерни бу қадар чуқурликкача пармалашга қодир эмас.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилади;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат органи (мансабдор шахс)нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олинади.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишга фақат қуйидаги мақсадларда йўл қўйилади:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ерларни тақдим этиш;

халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш;

автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектлар қуриш қисмида ижро этиш, шунингдек, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.

4. 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қуйидаги янги механизмлари жорий этилсин:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш.

5. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимларига чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ, лекин 5000 квадрат метрдан кўп бўлмаган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги "Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3067-сонли қарорининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини 30 фоиздан 15 фоизгача камайтириш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондининг энг кам миқдорини 600 миллион сўмдан 400 миллион сўмгача камайтириш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдорини уч бараварга камайтириш;

акциядорлик жамиятлари устав фондининг энг кам миқдорини 400 миллион сўм миқдорида белгилаш;

мева-сабзавот маҳсулотларига экспорт контрактларини "Ўзагроэкспорт" АЖ томонидан эълон қилинган нархлардан паст бўлмаган нархлар бўйича тузиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт контрактини тузмасдан, "Ўзагроэкспорт" АЖ расмий веб-сайтида қайд этилган нархлардан паст бўлмаган нархлар бўйича инвойс асосида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартибини бекор қилиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмуродов:

ваколатли органлардан ҳар бирининг ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминласин;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг ушбу соҳадаги асосий вазифаларнинг бажарилишини баҳолаган ҳолда давлат инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши тўғрисидаги ойлик ҳисоботларини эшитишларни, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини қўллаган ҳолда ўтказсин;

хорижий инвесторларни мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, бизнес юритиш учун яратилган қулай шароитлар тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида халқаро конференциялар, семинарлар, йирик инвестиция форумларини ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтирсин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига – инвестиция муҳитини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг самарали амалга оширилиши, хорижий инвесторларга зарур кўмак кўрсатилиши, инвестиция буюртманомалари сифатли ва тезкор кўриб чиқилиши, инвестиция буюртманомалари бўйича келишиш тартиб-таомиллари ўтказилиши, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муаммоли масалаларнинг ҳал қилиниши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига – хорижий инвесторларга барча зарур кўмак кўрсатилиши, инвесторлар билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни ўрнатиш орқали инвестиция буюртманомаларининг тезкор кўриб чиқилиши, инвесторларнинг тизимли равишда шахсан қабул қилиниши, тегишли инфратузилманинг таъминланиши, ер участкалари ажратилиши, рухсат берувчи ҳужжатлар берилиши, инвестиция буюртманомалари бўйича келишиш тартиб-таомилларининг ўз вақтида амалга оширилиши, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тизимли мониторинг қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбари зиммасига – фаолият юритмаётган ёки қурилиши тугалланмаган объектлар, самарасиз фойдаланилаётган ишлаб чиқариш бинолари ҳамда ер майдонларининг уларда тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун пухта хатловдан ўтказилиши;

"Ўзбекэнерго" АЖ раиси, "Ўзтрансгаз" АЖ раиси, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига – инвесторларнинг ишлаб чиқариш объектлари қурилиши ва уларнинг ташқи инфратузилмага уланиши, инвесторларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ электр энергияси, табиий газ, сув билан узлуксиз ҳамда ташқи канализация тармоқлари билан таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси зиммасига – инвесторларга республика ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда маслаҳат кўмагининг кўрсатилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 8500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳаларига катта миқдорда инвестиция киритган чет эл фуқароларига "Фахрий фуқаро" мақомини бериш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

10. Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда инвестиция киритиш учун энг қулай шароитлар яратишга қаратилган, инвестиция фаолияти соҳасидаги унификация қилинган қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, бўйсунувидан қатъи назар, барча даражадаги давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан инвесторларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин ҳамда қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда:

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвестиция фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ёки уни мураккаблаштираётган норма ва қоидаларни аниқлаш нуқтаи назаридан тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

14. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмуродов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 1 август*

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Белгилансинки, маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

2. Давлат-хусусий шериклик шаклига қараб хусусий шерикка қуйидаги инвестиция мажбуриятлари юкланиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин:

маданий хизмат кўрсатишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифасига имтиёзлар бериш;

маданият ва санъат муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш борасидаги ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутиладиган бошқа мажбуриятларни бажариш.

3. Белгилансинки, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича тузилади. Бунда ушбу қарорнинг 1-банди еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда танлов ўтказилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ёки "Ўзбеккино" Миллий агентлиги тегишли равишда ўз тизимларида давлат томонидан хусусий шерик билан битим тузади ва битим шартларини хусусий шерик қандай бажараётгани бўйича мониторинг олиб боради.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

маданият ва санъат нодавлат муассасаларини ривожлантириш ва давлат-хусусий шерикликни рағбатлантириш тадбирларини молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасида очиладиган алоҳида ҳисобварақда (кейинги ўринларда махсус ҳисобварақ деб юритилади) жамлаш тўғрисидаги;

маданият ва санъат нодавлат муассасалари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилинган шундай муассасаларга давлат маданият ва санъат муассасасининг йиллик даромадлари ва харажатларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

5. Қуйидагилар махсус ҳисобварақни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган эквиваленти 100,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар;

давлат маданият ва санъат муассасалари негизида маданият ва санъат нодавлат муассасаларини ташкил этиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида тижорат банкларидан ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг 7 фоиздан ошган қисмини қоплаб бериш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли маблағлари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг хайриялари, кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

махсус ҳисобварақнинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилаб қўйилсинки:

махсус ҳисобварақдаги маблағлар туман ва чекка қишлоқ жойлардаги театрлар, кинотеатрлар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, концерт заллари, ҳайвонот боғлари ва бошқа маданий объектлар негизида маданият ва санъат нодавлат муассасаларини ташкил этиш мақсадида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга фоизсиз асосда имтиёзли кредит бериш учун тижорат банкларига тақдим этилади;

махсус ҳисобварақ маблағларидан имтиёзли кредитлар тижорат банклари томонидан маданият ва санъат соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига 10 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 7 фоизли ставка бўйича ажратиб берилади.

7. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар амал қилишининг қуйидаги муддатлари белгилансин:

маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасаларнинг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер участкалари ажратиш битими – камида 30 йил;

мавжуд давлат маданият ва санъат муассасалари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарти билан маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасалари объектларини қуриш учун бепул асосда ер участкаларини тақдим этиш битими – камида 30 йил;

бўш турган давлат мулки объектларини, жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат маданият ва санъат муассасаларининг биноларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда "ноль" харид қийматида сотиш битими – камида 30 йил;

давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган биноларини (ёки уларнинг бир қисмини) ижара ҳақининг "ноль" ставкасида мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга бериш битими – 30 йилгача;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш битими – 15 йилгача;

хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган маданият ва санъат нодавлат муассасаларини моддий-техник, молиявий ва методик таъминлаш битими – камида 10 йил;

оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш битими – камида 1 йил.

Олинган имтиёзли кредит асосида ёки давлат-хусусий шериклик шартларида тадбиркорлик субъектларига топширилган объектларда маданият ва санъат нодавлат муассасаси фаолияти ташкил этилган кундан бошлаб давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар амал қилишининг муддатлари мобайнида уни қайта ихтисослаштириш тақиқланади.

8. Давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил этилган маданият ва санъат нодавлат муассасалари:

асосий фаолияти бўйича барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

ўзларининг эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган техника воситалар ва бошқа жиҳозлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган кундан бошлаб 3 йил муддатга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган солиқ ва божхона имтиёзлари маданият ва санъат соҳасида кўрсатилаётган хизматлардан олинадиган соф тушум улуши умумий реализация ҳажмида ҳисобот (солиқ) даври якунларига кўра камида 80 фоизни ташкил этадиган маданият ва санъат нодавлат муассасаларига нисбатан қўлланилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги ва "Ўзбеккино" Миллий агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда бўш турган давлат мулки объектлари, шунингдек, реконструкция қилиниши ва мукаммал таъмирланиши лозим бўлган давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотларини хатловдан ўтказиб, уларнинг рўйхатини тузсин;

ҳар йили 1 февралга қадар давлат-хусусий шериклик шартларида маданият ва санъат нодавлат муассасаларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ажратилиши мумкин бўлган ер участкаларини аниқлаб, уларнинг тасдиқланган рўйхатларини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва "Ўзбеккино" Миллий агентлигига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда қисқа муддатларда маданият ва санъат нодавлат муассасасини ташкил этиш учун ер участкаси ажратилишини, шунингдек, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

маданият ва санъат нодавлат муассасаларини қуришда уларни маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳисобига лойиҳа харажатлари ҳамда барча зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, канализация, автомобиль йўллари ва бошқалар) билан таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида низомни тасдиқласин;

маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган давлат мулки объектлари рўйхатини тасдиқласин ва унинг ҳар йили янгилаб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият вазирлиги, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

махсус ҳисобварақ маблағларидан фойдаланиш тартиби;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаолият юритадиган маданият ва санъат муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш тартиби.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида:

3 штат бирлигидан иборат бўлган давлат-хусусий шериклик асосидаги маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси;

2 штат бирлигидан иборат бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари мониторинги бўлими;

3 штат бирлигидан иборат бўлган ЮНЕСКО билан ишлаш бошқармаси ташкил қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва "Ўзбеккино" Миллий агентлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан мониторинг олиб борилишини таъминласин ҳамда бажарилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда маданият ва санъат соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги давлат-хусусий шериклик битимини амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси маданият вазири, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши ҳамда хусусий шериклар томонидан ўз зиммаларига олинган мажбуриятларга риоя қилиниши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси мазкур қарорда назарда тутилган имтиёз ва преференциялар, маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳақида тадбиркорлик субъектлари орасида кенг қамровли тушунтириш ишларини амалга оширсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари мазкур қарорнинг мазмуни ва аҳамияти кенг ёритилишини ҳамда аҳолига етказилишини ташкил этсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ–2778-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 1 август*

# МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги "Маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги бюджет ваколатларини кенгайтириш бўйича чоралар тўғрисида"ги Фармони ва "Маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида"ги Қарори ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.***

### ДАРОМАДЛАР РЕЖАСИ ОРТИҒИ БИЛАН...

Ушбу Фармон ва Қарорларга асосан маҳаллий бюджет даромадлар базасини кенгайтириш ва солиқ тушумларини кўпайтириш юзасидан туман ҳокимлиги, молия бўлими, солиқ органлари, ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, Тошкент шаҳридаги жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулк ва ер участкалари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги ва ёлланма ишчиларни рўйхатдан ўтказганлиги юзасидан хатлов ишлари, бозорлар ва савдо комплексидаги турғун савдо шохобчалари ва савдо расталаридан ундирилаётган маблағларнинг банк кассаларига кирим қилиниши, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлаётган ходимларнинг қонунийлиги ва савдо тушумларининг банк кассаларига жалб қилиниши юзасидан мониторинг тадбирлари олиб борилмоқда.

Мазкур тадбирлар жараёнида шу йилнинг 2-чорагида бюджетга қўшимча 332.5 млрд. сўм ундирилиши таъминланди.

Бюджетга қўшимча ундирилган маблағлар ҳисобидан Шайхонтоҳур туманида 1,5 млрд. сўм, Учтепа туманида 1,6 млрд. сўм, Чилонзор туманида 1,2 млрд. сўм, Миробод туманида 2,3 млрд. сўм, Мирзо Улуғбек туманида 4,9 млрд. сўм, Яккасарой туманида 1,1 млрд. сўм, Олмазор туманида 1,5 млрд. сўм, Яшнобод туманида 1,0 млрд. сўм, Сергели туманида 1,1 млрд. сўм, Бектемир туманида 1,0 млрд. сўм ва Юнусобод туманида 1,2 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар туман ҳокимликлари ихтиёрида қолдирилди.

### АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Жорий йилнинг 1 июнь куни Президентимизнинг Чилонзор туманига ташрифлари давомида фаоллар билан ўтказилган мажлисда берган топшириқларидан келиб чиққан ҳолда, 2018 йил якуни билан солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ҳисобига бюджетга қўшимча 2 трлн. сўм миқдорида маблағларни жалб қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди ҳамда солиқ, молия ва бошқа тегишли идоралар билан биргаликда йўл хариталари тасдиқланди.

Ушбу йиллик режага қўшимча 2 трлн. сўм маблағларни ундирилиши бўйича қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб олинди.

Жумладан, жисмоний шахсларнинг мол-мулклари ва ер участкаларини давлат солиқ хизмати томонидан тўлиқ ҳисобга олиш ва мол-мулкни кадастр қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш орқали тушумни 3 млрд. 658 млн. сўмга кўпайтириш ҳисобига;

Ҳудудлардаги бозорларда ундириладиган йиғимлар, ижара тўловларини ҳамда автотураргоҳлардаги тушумларни тўлиқ кирим қилиш натижаси билан 21 млрд. 28 млн. сўм бюджетга даромадлар тушумини кўпайтириш ҳисобига;

Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни аниқлаш ҳисобига 38 млрд. 328 млн. сўм ундириш ҳисобига;

Солиқ ва молиявий ҳисоботларни банк, божхона, биржа, кадастр ва бошқа идораларнинг маълумотлари билан солиштириш орқали яширилган товар айланмаларини аниқлаш ва солиққа тортиш, хуфиёна бизнес юритиб солиқ тўлашдан бош тортаётган субъектларни солиққа тортиш орқали бюджетга 399 млрд. 298 млн. сўм даромадлар тушумини кўпайтириш ҳисобига;

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мавжуд солиқ қарзини тўлиқ таъминлаш мақсадида 183 млрд. 389 млн. сўм ундириш ҳисобига;

Мажбурий ижро бюросида турган суд қарорларига кўра қарздорликни, шу жумладан мол-мулкини сотиш ҳамда мусодара қилинган товарларни сотиш ҳисобига 457 млрд. 181 млн. сўм тушумни таъминлаш ҳисобига;

Валюта бозорини либераллаштирилиши натижасида кўпайиши мумкин бўлган экспорт фаолиятидан олинаётган даромадларни тўлиқ ҳисобга олиш ва солиққа тортиш баробарида 375 млрд. 886 млн. сўм ундириш ҳисобига;

Йўл ҳаракати хавфсизлиги идоралари ва бошқа ташкилотлар томонидан ундириладиган 27 млрд. 496 млн. сўм тўловларни бюджетга тўлиқ ўтказиш ҳисобига;

Солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши натижасида 78 млрд. 56 млн. сўм ундириш ҳисобига;

Йирик инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш, янги иш ўринларини яратиш ва йирик саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш ҳисобига 72 млрд. 954 млн. сўм қўшимча даромадлар ундириш ҳисобига;

Ҳокимликлар ҳисобида турган, ҳозирда текинга фойдаланишга берилган кўчмас мулк объектларини сотиш ҳисобига 200 млрд. сўм ундириш ҳисобига;

Молия-хўжалик фаолиятида бирламчи ҳужжатлар таҳлили, жумладан якуний текширувлар натижасида 93 млрд. 635 млн. сўм қўшимча ҳисобланган солиқлар ва қўлланилган молиявий жарималарни ундириш ҳисобига;

Фаолиятини тўхтатган корхоналарга амалий ёрдамлар кўрсатиш орқали уларнинг фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига 2 млрд. 359 млн. сўм миқдоридаги солиқ тўловларини ундириш ҳисобига.

Шунингдек, прогноз кўрсаткичларида ҳисобга олинмаган бошқа йўналишлардан ундириладиган тушумлар ҳисобига 46 млрд. 732 млн. сўм тушумларни тушириш чоралари кўрилади.

**Лутфулла ИСМАТУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи**

# ТЕСТ СИНОВЛАРИ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шунингдек, жорий йилда биринчи марта 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуаси павильонлари, "Ўзкўргазмасавдо" мажмуаси, олий ўқув юртлариаро спорт комплекси каби катта сиғимдаги биноларда, вилоят марказларидаги Олимпия захиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сиғимдаги биноларида ўтказилаяпти. Тест жараёнининг максимал даражада ошкора ва шаффофлигини таъминлаб, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналари онлайн режимда кузатиб боришларига имконият яратилгани ҳам эътиборга моликдир.

Республика олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларини ўтказишнинг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ масалалар ҳам бутунлай қайтадан кўриб чиқилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест синови натижаларини тезкор ўқишга мўлжалланган энг замонавий техник ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Бу эса натижаларни қисқа фурсатда эълон қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 июнда қабул қилинган "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота бакалаврлар учун 69 минг 200 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 17 минг 654 нафар ва тўлов-контракт асосида 51 минг 546 нафар этиб белгиланди. Махсус сиртқи ва кечки бўлимларда ҳам ўқишларнинг ташкил этилгани, бир қатор олий таълим даргоҳларининг жойлардаги филиаллари, янги ўқув даргоҳларининг очилгани ёшларнинг билим олиш йўлидаги имкониятларини янада кенгайтиради. Жорий йилда юртимиз олий таълим масканларига абитуриентлардан 675 минг 49 та ариза келиб тушди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотларига кўра, абитуриентлардан энг кўп ҳужжат келиб тушган олий таълим даргоҳлари сафида Қарши, Самарқанд, Фарғона давлат университетлари пешқадамлик қилмоқда. Конкурс энг катта бўлган олий ўқув юртлари сифатида эса Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалига 1 ўринга 23,2, Андижон машинасозлик институтига 1 ўринга 18,3, Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиалига бир ўринга 17,6 ариза тўғри келмоқда. Жорий йилда абитуриентлар Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, "Ипак йўли" туризми халқаро университети, Самарқанд ветеринария медицинаси институти каби янги олий таълим масканларига ҳужжат топшириш имконига эга бўлдилар.

...Эрталабки соат 8.00. Пойтахтимизда олий таълим даргоҳларининг бакалавриат йўналиши бўйича тест синовлари "Ўзэкспомарказ"нинг бир неча павильонлари, "Ўзкўргазмасавдо" мажмуаси, Олий ўқув юртлариаро спорт мажмуаси, Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати, Олимпия захиралари коллежи каби катта сиғимдаги биноларда бўлиб ўтди. Бу масъулиятли жараённи тартибли, белгиланган қоида ва меъёрларга мос тарзда, очиқ, шаффоф, адолатли ўтишини таъминлаш учун зарур барча чоралар кўрилган.

Бугун "Ўзэкспомарказ" павильонларида Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кириш истагидаги ёшлар тест синовлари топширмоқда. Мазкур университет қабул комиссияси масъул котиби Отабек Бобожоновнинг айтишича, ушбу ўқув даргоҳида бакалавриат таълим йўналиши бўйича бу йил илк марта ёшлар жойлардаги Давлат хизматлари марказлардан туриб, онлайн тарзда ҳужжат топширган. Жорий ўқув йилида университетга талабалар қабул қилиш режаси 600 нафарни ташкил этади. Ёшлардан келиб тушган аризалар эса етти мингдан ортиқ.

Павильонларда тест жараёни белгиланган тартиб ва меъёрларга қатъий амал қилган ҳолда бўлиб ўтди. Бу йилги тестларга жиддий тайёргарлик кўрилгани абитуриентларнинг бу масъулиятли жараёнга ёндашувида ҳам яққол намоён бўлди. Уларнинг ўз кучига, билимига бўлган ишончи ёшларнинг юз-кўзида зоҳир эди.

Мажмуага ёндош ҳудудда абитуриентларнинг ота-оналари учун ҳам зарур барча шароитлар яратиб берилди. Шу ернинг ўзида ўрнатилган махсус мониторлар орқали тест синовлари жараёнини бемалол кузатиш имконияти яратилди.

– Қизим Мухлиса бу йил олий ўқув юртига илк марта ҳужжат топширди, – дейди наманганлик Малоҳат Турсунова. – Барча жараёнларда очиқлик, шаффофликнинг таъминлангани юртимизда коррупциянинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик йўлидаги амалий қадамлардан экани барчага манзур бўлмоқда.

Тестдан чиқиб келаётган ёшларга юзландик.

– Саволлар аниқ, лўнда ифода этилган, – дейди ЎзА мухбирига самарқандлик Муҳриддин Калонов. – Уларни қайта-қайта ўқиб, мағзини чақишга ҳожат қолмаган. Тестни муваффақиятли ечиш барчанинг билим даражасига боғлиқ эканини бу жараёнда яққолроқ сезилмоқда. Ростини айтганда, авваллари айрим абитуриентлар ва баъзи нопок кимсалар муғомбирлик, олғирлик, ғирромлик бўйича билимини тестларда синовдан ўтказар эди. Ҳозир бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг илдизи буткул бартараф этилганига гувоҳ бўлдик.

– Тест синовлари холис, ҳаққоний, шаффоф ўтди, – дейди бухоролик абитуриент Шуҳрат Тўраев. – Шпаргалкадан кўчираётган ёки ғайриқонуний хатти-ҳаракат қилаётган ҳолатлар кўзга ташланмади. Келтирилган саволлар ўта мураккаб ҳам, ўта енгил ҳам эмас. Барчаси мактаб дарсликларидан келтирилганига ишонч ҳосил қилдик. Тестларнинг адолатли ўтишини таъминлаш йўлидаги бундай саъй-ҳаракатлар ёшларнинг ўқишга бўлган иштиёқи ва қизиқиши, энг асосийси ҳақиқатнинг қарор топишига бўлган ишончини кучайтирди.

Дарҳақиқат, бу йилги тестларнинг холис, ҳаққоний ва адолатли тарзда ташкил этилгани кенг жамоатчилик, ота-оналар, ёшларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА**

***Илм-фан, техника ва ахборот-коммуникация соҳаларида Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатлари ижобий кўриниш касб этган. Бугун икки мамлакат ҳамкорлиги турли жабҳаларда фаол давом этмоқда. Жумладан, олий таълим соҳасида қатор лойиҳалар ҳаётга жорий этилаётир.***

# ПУЧОН УНИВЕРСИТЕТИ: СИНАЛГАН ЙЎЛ, АНИҚ МАҚСАД

Пойтахтимизда Инҳа университетининг очилиши катта воқеа бўлган эди. Малакали кадрларни шакллантириш, мактабгача таълим тизимида салоҳиятли тарбиячи ва илмли мутахассисларни кўпайтириш, ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 июлдаги "Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Айни дамда ушбу университетда қабул жараёнлари якунланди.

Университетда кадрлар, биринчи навбатда, мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрларга, шунингдек, архитектура ва дизайн соҳасида ҳамда талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида малакали кадрларга эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда тайёрланади. 2018/2019 ўқув йили учун Пучон университетига қабул уч – мактабгача таълим, корейс тили ҳамда архитектура ва дизайн йўналишлари бўйича амалга оширилди.

– Олий таълим муассасаси янги ва имконияти кенг бўлгани боис қабул жараёнларида ёшни инобатга олмадик. Асосан, мактабгача таълим йўналишида ўрта ёшли абитуриентлар ҳужжат топширгани ҳам кузатилди, – дейди университет қабул комиссияси аъзоси Ботир Очилов. – Корейс тили йўналишида корейс тили бўйича бошланғич маълумотга эга ва шу тилга йўналтирилган махсус мактабларда таълим олган ўқувчилар ҳужжатларини қабул қилдик. Архитектура ва дизайн йўналишига қизиқувчи ёшлар кўпчиликни ташкил этиши қабул жараёнларида ҳам сезилди. Университетга жами 2 минг 700 дан ортиқ абитуриент ҳужжат топширди. Имтиҳонлар бир неча босқичли бўлиб, ҳозир илк босқич якунланди. Яна икки босқичдан сўнг университетда ўқиш бахтига муяссар бўлган талабалар саралаб олинади.

Олий ўқув юртида таълим ўзбек, инглиз ва рус тилларида олиб борилади. Корейс тили факультетида махсус фан сифатида корейс ва инглиз тили фанлари ўтилади. Абитуриентлар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, таълимни кундузги, сиртқи ва кечки шаклларда олиб боришнинг тизимли ва истиқболли режалари ишлаб чиқилган. Янги олий ўқув юрти таълимни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос ҳолда, Корея Республикасининг Пучон университети ўқув режа ва дастурлари асосида амалга оширади. Битирувчиларга Кореяда тасдиқланган диплом берилади ва у юртимизда олий маълумот мақомини берувчи ҳужжатлар билан бир хил даражада деб қаралади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоиз, Кореядаги Пучон университети ўз салоҳияти ва кадрлар тайёрлаш бўйича мамлакатнинг энг нуфузли университетлари ўнталигига киритилган. Уни ҳар йили минглаб талабалар тамомлайди. Пучон университети ўз йўналиши бўйича Корея Республикаси тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Университет битирувчилари қурилиш, архитектура ва ахборот-коммуникация соҳаларида кўплаб давлатларда самарали фаолият олиб бормоқда. Корея мактабгача таълим тизими жаҳонда етакчи бўлишида айнан мана шу ўқув юртининг ўрни беқиёс.

Тошкент шаҳрида Пучон университетининг ташкил этилиши мактабгача таълим тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш, архитектура ва дизайн соҳаларини такомиллаштириш, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида илғор хорижий тажрибаларни оммалаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Дилобар МАМАТОВА,**
**ЎзА мухбири**

# "ЁШЛАР КУТУБХОНАСИ" СЕВИМЛИ МАСКАНГА АЙЛАНАДИ

***Баркамол, мақсадга интилувчан ва ғайратли ёшларни тарбиялаш мамлакатнинг барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланишини даврнинг ўзи кўрсатмоқда.***

Бугунги кунда ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларни китоб мутолаа қилишга чақириш, тафаккур доираси ривожланишини тарғиб этиш ҳар бир жамоат ташкилотларининг олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

"Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Чилонзор туманидаги "Яккабоғ" маҳалласида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Чилонзор туман Кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан "Ёшлар кутубхонаси" ташкил этилди.

Кутубхона фонди 250 дан ортиқ ёшларнинг севимли китоблари билан бойитилди. "Ёшлар кутубхонаси"да Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Чилонзор туман Кенгаши ҳисобидан замонавий компьютер ўрнатилди. Компьютер хотирасига кўплаб китобларнинг электрон нусхаларини киритиш ишлари амалга оширилмоқда. Ташкил этилган "Ёшлар кутубхонаси"да бир вақтнинг ўзида 30 нафар ёшларнинг китоб ўқишлари учун шарт-шароитлар яратилди.

"Ёшлар кутубхонаси"нинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари, маҳалла ёшлари иштирок этишди. Маросим давомида ёш ижодкорлар томонидан куй ва қўшиқлар ижро этилиб, ёшлар билан китобхонлик борасида викторина ўйинлари ўтказилди.

Эндиликда "Ёшлар кутубхонаси"да ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиш имконига эга бўлиб, билимларини янада бойитишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ДИАМЕТРИ 40 СМ БЎЛГАН ДАРАХТНИ КЕСИШ ЖАРИМАСИ 9 МИЛЛИОН СЎМ БЎЛИШИ МУМКИН

***Мамлакатимизда ўсимлик дунёси объектлари 4 минг 500 ва ҳайвонот дунёси 15 минг 700 турдан ортиқни ташкил этади. Улардан 324 тур ўсимлик ва 184 тур ҳайвонот дунёси объектлари Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган.***

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жорий йилнинг шу даврига қадар ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш бўйича 2 минг 345 назорат тадбири ўтказди. Натижада ўсимлик дунёси бўйича 2 минг 23, овчилик қоидаларининг бузилиши бўйича 264, балиқ овлаш бўйича 675 қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Аниқланган 2 минг 716 ҳолат бўйича 385 миллион сўм жарима қўлланилган. Атроф-муҳитга етказилган зарар 3,76 миллиард сўм миқдорида ҳисобланган бўлиб, шундан 576,3 миллион сўм ундирилган.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берилди.

Тадбирда қўмита раиси ўринбосари Ўктам Ўтаев ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, ноқонуний дарахт кесилиши ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратар экан, тизимда мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида батафсил ахборот берди.

Таъкидланганидек, фуқароларнинг кўп сонли мурожаатлари, таклифлари ўрганилиб, қўмита ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ўртасида "Тошкент шаҳри ҳудудидаги манзарали дарахт ва буталар муҳофазасини кучайтириш, дарахтларнинг ноқонуний кесилиши ҳолатларининг олдини олиш, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун ер участкаларини ажратишда дарахтлар ва кўп йиллик буталарни сақлаб қолиш тизимини ташкиллаштириш тўғрисида"ги қўшма қарорнинг имзоланиши бу борадаги ишларни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

– Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилган зарар учун белгиланадиган даъво суммалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун тўлов суммалари миқдорини халқаро мезонлардан келиб чиққан ҳолда индексация қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Н.Мўминов. – Кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда дарахтларнинг кесилаётгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Албатта, бу жиддий масала ва улар қонун доирасида ўрганилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Дарахтларнинг ҳажмига қараб, масалан, диаметри 40 сантиметр бўлган бир дарахтни кесиш 755 минг сўм жарима билан белгиланган. Ҳозирги кунда бу борада ишлаб чиқилаётган чораларга мувофиқ, келгусида айнан шу диаметрдаги дарахт жаримаси 9 миллион сўмни ташкил этади. Бундай саъй-ҳаракатлар эса табиатимизни асрашга хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат ҳисоби ва мониторингини юритиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ҳамда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

# УЧРАШУВДА МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛМОҚДА

***Учтепа туманидаги Эко-боғда "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури ижроси бўйича ташкил этилаётган учрашувларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди.***



Тадбирда Тошкент шаҳри ишчи гуруҳи раҳбари – Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдураҳмонов, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, туман ички ишлар бўлими, туман прокуратураси, адлия бўлими ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари ёшлар ва уларнинг ота-оналари қатнашди.

Тадбир аввалида Инновацион ривожланиш вазири мактабгача таълим муассасасига бориш арафасидаги болалар церебрал фалажлик касаллигига чалинган Нилуфархон Умаровага ногиронлик аравасини топширди. Сўнг вояга етган туман ёшлари ўз паспортларини тантанали равишда қабул қилиб олдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда, афсуски, пойтахтдаги жиноятларнинг 30 фоизини ёшлар содир этаётгани, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, жумладан ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор жиноятчиликни камайишига хизмат қилишини таъкидладилар. Учрашувда аввал судланган, қамоқ жазосини ўтаган ёшлар ўзларини қийнаётган муаммолар билан мурожаат этишди. Аксарият муаммолар ишсизлик ва уй-жой масаласи бўлиб, улар бир қатор оғриқли саволлар билан мутасаддиларга юзланишди. Таниш-билишларсиз, пул ва мартабасиз бирор мақсадга эришиб бўлмайди, деган тушунча айрим ёшларимизнинг онгу шуурига ўрнашиб қолганлиги, бу ўз навбатида улардаги ташаббускорлик, эртанги кунга ишончни сўндираётганини тушунган ишчи гуруҳ аъзолари уларнинг муаммоларини ечишга ёрдам беришини, ҳар қандай тўсиқлардан ўтишда уларга елкадош бўлишини, муаммоларнинг ҳал этилишини шахсий назоратига олишини айтишди. Жумладан, арзон уйлар харид қилиш мақсадида кредит олиш йўл-йўриқлари кўрсатилиб, маслаҳатлар берилди.

Эко-боғга келганларнинг ногирон фарзандларига тиббий ёрдам кўрсатиш, маҳаллаларга канализация ўтказилиши, мерос масаласи, уй-жой рўйхатига қўйиш каби қатор муаммолар бўйича мурожаатлари тегишли идоралар вакиллари томонидан тез кунларда ҳал этилиши назоратга олинди.

Шу билан бир қаторда айрим фуқаролар мурожаатларида амалга ошириб бўлмайдиган талаб ва шартлар қўйилаётгани ҳам эътибордан четда қолмади. Масалан, бир аёл турмуш ўртоғига бир ойда 15 кун меҳнат қилиб, 15 кун эса дам оладиган иш топиб беришларини сўраб, икки йилдан бери мурожаат қилаётганини, аммо бундай ишни мутасаддилар топиб беришмаётганини айтиб ўтди. Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан таклиф қилинаётган ишларга аксарият ёшлар розилик бермаётгани ҳам алоҳида баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ҳали тажрибаси йўқ мутахассисга катта маош берилмаслиги, бунга тажриба ва меҳнат орқали эришилиши лозимлиги ёшларга тушунтирилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Муносабат**

# САНЪАТ ХАЛҚНИ БУЮК МАҚСАДЛАРГА УНДАШИ ЗАРУР

***Театр фидойиларининг айтишича, мустақиллигимиз арафасида театрларимиз биноси эскирган, маошу қалам ҳақи кескин камайган, хуллас, жуда оғир пайтларни бошдан кечирган. Бугун кулгили туюлар, лекин ўша пайтлар оддий декорация ясаш ҳам катта муаммо бўлган. Агар озгина эътиборсизлик бўлса, ўзбек театри бутунлай йўқолиб кетиши мумкин эди. Шундай бўлса-да, давлатимиз энди оёққа тураётган ўта оғир паллада театр санъати изчил қўллаб-қувватланди – ўзбек театрининг мақоми белгиланди, янги театрлар ташкил этилиб, аксарияти учун янги бинолар барпо этилди.***

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни миллий маданиятимиз намояндалари, ижод аҳли билан учрашуви айнан театр соҳасида ҳам янги босқични бошлаб берди.

**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев бу ҳақда ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:**

– 2017 йил 3 августда Президентимиз мамлакатимиздаги ижодкор зиёлилар билан учрашув ўтказди. Бу ижодий руҳдаги учрашув ўз самарасини берди. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган танқидий фикрлар, қўйилган вазифалар ўз ўрнини топди. Бошқа соҳадаги учрашувлар, йиғилишларда ўша соҳадаги камчиликларни рўй-рост кескин айтган бўлса, биз санъат аҳлининг елкамизни силаб, камчиликларимиз, озгина мудроққа кириб қолганимизни эслатиб қўйди. Шу кундан буён ижодий жамоамиз, яъни Миллий академик драма театри вакиллари ишга бўлган муносабатимизни бутунлай ўзгартирдик. Спектакллар устида ишладик, халқ билан мулоқот қилдик. Вилоятларга бордик. Чекка ҳудудларда халқ билан учрашувлар ўтказдик, гастроль сафарларида бўлдик. Хорижий давлатларга ҳам бориб, турли халқаро театр фестивалларида қатнашдик. Қозоғистон, Арманистон, Қирғизистон давлатларида қўйилган спектакларимиз халқ олқишига сазовор бўлди. Бу бизнинг руҳимизни кўтараяпти, қувонтираяпти, кўпроқ ишлашга ундамоқда.

Бу йилнинг ўзида 4 спектакль намойиш этилди. Ҳали йил якунигача яна бир қанча спектакль яратиш ниятидамиз. Буларнинг барчаси ўша кунги учрашувдан кейинги ўзгаришлардир. Бу ўзгаришлар, янгиланишлар, нафақат санъат, маданият соҳасида балки барча соҳада бўлмоқда. Ҳаётга, ишга, инсонларга бўлган муносабат тубдан ўзгариб бораётир. Ёшларга бўлган талаб кучаяётир. Ёшлар шунга жавоб беришга ҳаракат қилаяпти. Бу жиҳат бизнинг театримизда ҳам кўзга ташланади. Масалан, "Ревизор", "Оқ кема" спектаклларидаги ролларни деярли ёшлар ижро этди ва муваффақият қозонди. Ёшлар ҳар бир ўйнаган спектаклида ўз маҳоратини ошириб боришга ҳаракат қилаяпти. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг қайта ташкил этилгани ҳам соҳага бўлган муносабатнинг яхшиланганидан далолат беради. Биз бунга қандай жавоб беришимиз керак? Бугун халқимизнинг турмуш шароити ўнгланиб, онги ўзгарган паллада энди ижодкор зиммасида фақат бир вазифа – юксак савияли асар яратиш қолди. Биз буни бекаму-кўст амалга оширишимиз керак. Олди-қочди спектакллар эмас, балки инсонларнинг қалбига йўл топадиган ва улар соғиниб, қайта-қайта кўрадиган спектакллар яратишимиз зарур.

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида халқаро театр фестивали бўлди. Ана шу фестивалда "Иймон" спектакли билан иштирок этдик. Бу спектакль жуда катта олқишга сазовор бўлди. Францияли, италиялик, инглиз театр вакиллари спектакль бўйича ўзларининг илиқ фикрларини билдирди.

Бизда тарихий шахслар, буюк мутафаккир бобокалонларимизнинг қаҳрамонлари акс этган спектакллар яратиш бўйича ҳам ишлар олиб борилаяпти. Масалан, "Мирзо Улуғбек", "Алишер Навоий" спектакллари қайта қўйилди. Яна бир қатор тарихий спектаклларни қўйишни режалаштирганмиз. Чунки, ўзбек тарихини саҳна орқали намойиш этиш ва томошабин бундан қандайдир ибрат олиши бизнинг ютуғимиз.

Спектаклларда бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган жиддий ижтимоий муаммолар ўз аксини топиши жамиятимиздаги иллатларга қарши курашишда жуда муҳим. Чунки халқ бу иллатларга муросасиз бўлмас экан, бундай муаммоларнинг илдизи қуримайди. Президентимиз замонавий қаҳрамон образини яратиш масаласини яна бир бор кун тартибига олиб чиққанининг сабаби шу: санъат омма орқасидан эргашиб кетмаслиги керак, аксинча халқни буюк мақсадларга ундаши зарур.

**Нурилло НАСРИЕВ**
**ёзиб олди**

***Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида "Коррупция – миллий хавфсизликка таҳдид" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.***

# МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД

Тадбир Давлат божхона қўмитасининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда ДБҚ, Тошкент шаҳар ва вилояти божхона бошқармалари, "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси, Миллий кинология маркази ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари М.Солиев очиб, мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида мазкур иллатга қарши курашиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида муҳим ҳуқуқий база яратилди, уларнинг институционал тизимлашуви жорий этилди. Навбатдаги масала ушбу механизмларнинг тўлиқ татбиқ этилиши ва самарадорлигини янада оширишдан иборат.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 2 февралдаги қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари бўйлаб қамраб олиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари шахсий таркиби ўртасида қонунбузарликнинг содир этилишининг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш, хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш йўналишида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, республикамиз божхона органлари шахсий таркиби орасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш ва қонунчиликнинг бузилишининг олдини олиш борасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 500 га яқин профилактик мазмундаги маърузалар ташкил этилди, 800 га яқин тадбирларда тушунтириш ишлари олиб борилди, 300 нафар ходим билан индивидуал тартибда профилактик тарбиявий ишлар ўтказилди. Мазкур ишларга божхона ходимларининг ота-оналари ва оила аъзоларини ҳам жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, божхона органларида хизматнинг тўғри ташкил этилганлиги ва ходимлар ҳушёрлигини текшириш, божхона назорати самарадорлигини янада ошириш ҳамда бу борада профилактик тадбирларни жонлантириш борасида масъул бошқармалар билан ҳамкорликда 2018 йилнинг ўтган даврида 200 га яқин ошкора текширувлар ўтказилган.

Давра суҳбатида коррупцияга қарши курашиш бўйича хориж тажрибаси ва бошқа маълумотлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар олишди.

Тадбир сўнгида огоҳлик – давр талаби эканлиги, коррупцияга қарши курашиш муҳимлиги яна бир бора таъкидлаб ўтилди.

**Зарина РУСТАМОВА**

# ЯКУНИЙ ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

***Маълумки, 18 август — 2 сентябрь кунлари уюштириладиган XVIII Осиё ўйинларига Индонезия мамлакати мезбонлик қилади.***

Осиё ўйинларининг футбол мусобақаларида юртимиз шарафини Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳимоя қилади. Ғолиблик учун Равшан Ҳайдаров шогирдлари "В" гуруҳида Таиланд, Бангладеш ва Қатар терма жамоаларига қарши кураш олиб боришади. Олимпиячиларимиз Осиё ўйинларидаги гуруҳ босқичи баҳсларини 14 август куни Бангладеш терма жамоасига қарши ўтказишса, 2-турда 16 августда Қатар терма жамоасига қарши майдонга тушишади. Гуруҳнинг сўнгги 3-турида олимпиячиларимиз 19 августда таиландлик чарм тўп усталари қаршилигини енгишлари талаб этилади.

Олимпиячиларимизнинг ушбу нуфузли турнирдан муваффақият билан қайтиши режалаштирилмоқда. Шу боис ҳам ЎФА олимпиячиларимизга ушбу мусобақага муносиб тайёргарлик кўришлари учун шароитларни яратиб бермоқда. Олимпиячиларимизнинг 3-9 август кунлари ташкиллаштирилаётган сўнгги ўқув-машғулот йиғинидан кейин Индонезияга борадиган якуний таркиб эълон қилинади.

Биз эса минглаб мухлислар номидан олимпиячиларимизга Осиё ўйинларида зафар ёр бўлсин деб қоламиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь зотига тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўштни қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқариш)ни сотиб олиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифларини қабул қилади. Манзилимиз: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko`chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.

**ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали биносидаги эски пассажир лифтларни янгисига "KONE" фирмасининг PW04/10-19 (7/7) Nmini Space русумли лифтларига алмаштириш бўйича мукаммал таъмирлаш объектига "Саноатгеоконтехназорат"нинг махсус лицензиясига эга пудратчи ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 140-66-08, 140-66-10.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 13.04.2018 йилда №600110 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "SAMARKHANDZA" ОК (ИНН 305483868), таъсисчининг 31.07.2018 йилдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарбоза, Термиз тор кўчаси, 3-уйда қабул қилинади. Тел: +99893 381-38-81.

"OLTIN VODIY EXPORT" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР 305019184) Устав фонди 6 728 852 948,90 сўмдан 550 000 000,00 сўмгача камайтирилганлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун тел: (90) 324-25-27.

"Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат корхонаси томонидан "KANZEN N GA" МЧЖ (ИНН 303269366) номига Қибрай тумани, Янгиобод Қ.Ф.Й. Миллий боғ кўчаси, 50-уй манзилига нотурар жой учун 2017 йилда берилган 11:05:01:01:01:0338 рақамли кадастр ҳужжатлари ва Бино, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги Т 00236011 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ томонидан 01.04.2017 йилдан 07.02.2018 йилда Рахматуллаева Сайёра Жонзоқ қизига берилган QT №020377 ва RD№020377 рақамли № 2456 рўйхат рақамли қайта тайёрлов дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергели туманидаги 322-мактаб томонидан 2002 йилда Хайдарова Дилдора Мирахматовна номига берилган O`R-Z№ 1412996 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **3 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 835
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4986 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345